

Received: 5 September 2026 Accepted: 10 September 2026 Published: 12 September 2026

Vol. 5 • No. 9 • 2026

КОРРУПЦИЯ ИЛЛАТИ – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИНИНГ ТАНАЗЗУЛИ

Закирова Адина Гулямовна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси профессори,

ю.ф.д., профессор

DOI: 10.5281/zenodo.22724942

ABSTRACT: Мақолада коррупция илллати – мамлакат келажагининг таназзули эканлиги хусусида фикр юритилиб, жамият ижтимоий ҳаётида мазкур иллатга қарши янада самарали курашишга оид таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Keywords: коррупция, иллат, мамлакат, келажак, таназзул

“Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда”¹ деб, айни ҳақиқатни таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келадиган, фуқаролик жамияти институтларининг нормал фаолият юритиши ва механизмига путур етказадиган, жамиятда давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизликни вужудга келтирадиган ҳамда юрт хавфсизлигига реал хавф туғдирадиган, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, давлат бошқаруви ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳамда давлатнинг инвестицион муҳитни ёмонлаштирадиган ва жамиятда ижтимоий тенгсизлик келтириб чиқарадиган иллат бу – коррупциядир. Хусусан, мамлакат келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга нисбатан нафақат мамлакатимизда балки, дунё миқёсида ҳам кенг қамровли қарши курашиш чоралари амалга оширилмоқда ва ушбу иллат долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенцияси»да «коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»² деб қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»³ ги Қонунида эса, «коррупция –

шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш» деб таъриф берилган. Хусусан, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан бот-бот қайд этилаётган ушбу тушунчанинг маъноси адабиётларда қуйдагича: «коррупция» – латинча «corruptio» сўздан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради⁴ деб, таъриф берилган.

Мутахассислар томонидан ҳам «коррупция» илллатига бир нечта таърифлар берилган. Жумладан, мазкур иллатга Эдмунд Берк «коррупция барқ ураётган жамиятда озодлик узоқ вақт ҳукм суриши мумкин эмас» деб, Питер Айген эса, «коррупция – бу шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш» деб таъкидлашган.

Маҳаллий мутахассисларимиздан Қ.Р. Абдурашулова, «коррупция – давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисидир» деб, Б.И. Исмаилов эса, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси. 24.01.2020

² Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

³ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁴ Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.

мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади⁵ деган фикрни илгари сурганлар.

Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда ва дунё амалиётида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уни олдини олишга қаратилган тегишли ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланган ҳамда айни вақтда янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан:

I. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг:

- Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси (1979 йил 17 декабрда Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан қабул қилинган);

- Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

- Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

- Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

- Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

- Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

- Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

- XXІ аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил

- 15 апрелда қабул қилинган);

- Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

II. Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

- Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

- Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

- Коррупцияга қарши курашнинг 20 та принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);

- Давлат хизматчилари учун хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);

- Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);

- Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги Директива (1991 йил 10 июнь);

- Пулни тозалашга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси, 2002 йил 8 февраль). III. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ҳужжатлари:

- Жиноятчиликка қарши курашиш Келишуви (Москва, 1998 йил 25 ноябрь);

- Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисидаги Намунавий қонуни (МДХ Парламенлараро ассамблеясининг XXII пленар йиғилишида қабул қилинган 2003 йил 15 ноябрь);

- Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Намунавий қонуни (МДХ Парламенлараро ассамблеясининг XIII пленар йиғилишида қабул қилинган 1999 йил 3 апрель);

- Ғайриқонуний йўлдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилик қилиш тўғрисидаги Намунавий қонуни (МДХ Парламенлараро ассамблеясининг XII пленар йиғилишида қабул қилинган 1998 йил 8 декабрь);

- Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги тавсиявий қонунчилик акти (МДХ Парламентлараро ассамблеясининг қарори билан қабул қилинган 1996 йил 2 ноябрь);

- Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битим (Москва, 2011 йил 16 июнь).

IV. Мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги миллий-ҳуқуқий амалиёти:

- 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сон «БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига

⁵ Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2.

Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПҚ-4761-сон “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги ПҚ-34-сон “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори;-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240 “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори;

- Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 05 июндаги ЎРҚ-931-сон “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни;

-Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 августдаги ЎРҚ-860 “Норматив - ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тўғрисида” Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги ПҚ-228-сонли “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз

ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сон "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазибалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ-147-сон "Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПФ-259-сон "Давлат харидлари тизимида рақобат муҳити ва шаффофликни таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги ПФ-270-сон "Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони. Ушбу ҳужжат билан соҳадаги давлат сиёсатининг 2030 йилгача бўлган стратегияси белгиланди.

Мазкур юқорида қайд этилган маҳаллий, давлатлараро ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келажак таназзули бўлмиш коррупция иллатига оид ҳуқуқбузарликларнинг моҳияти очиб берилган ва унга қарши кураш чоралари белгилаб қўйилган.

Ҳар қандай мамлакат ва жамият ижтимоий ҳаётига фақат салбий таъсир кўрсатиши, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазифа ва функцияларини белгиланган даражада бажарилишига тўсқинлик қилишини инобатга олиб, коррупция иллатини, яъни, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни миллий хавфсизликка таҳдид ва мамлакат келажагининг таназзули сифатида баҳолашимиз мумкин. Хусусан, юртимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уни олдини олишга қаратилган юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган юқорида қайд этилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт йил сайин шакллантирилиб, такомиллаштирилиб бормоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимиз келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияни олдини олиш, унга қарши кураш, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ва Конституцияга асосланган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шаклланган ва бугунги дунёдаги глобаллашув жараёнларига ҳамоҳанг такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, юртимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қанча муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини

оширишга, жамиятда коррупцияга мурасазис муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Шунингдек, бугун мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш ва унга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масалалардан бири бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарадорликни ошириш, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ижобий томондан оширишга оид истиқболли ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда ва коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасазис муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугун жаҳон амалиётидаги каби юртимизда ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупциянинг турли кўринишларини сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда. Хусусан, ҳозирги тезкор замонда мамлакат келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси ғоятда муҳимдир. Сабаби, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишнинг асосини ташкил этади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, дунё амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатда унинг органлари ва мансабдор шахслари ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар купайиб борса ва, ушбу ҳолатга ўз вақтида тегишли кескин чоралар кўрилмаса, ушбу мамлакат натижада иқтисодий, сиёсий инқироз билан юзма-юз келади. Яъни, коррупция ҳолатлари мамлакатда давлат органларига нисбатан халқ ишончини сусайтиради, иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий адолатга тўсқинлик қилади, жамиятдаги маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишда ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар тегишли амалий тадбирларни доимий

равишда амалга ошириб боришлари мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

- доимий равишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналишидаги ишларнинг аҳолини ўрганиш ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилиш;
- мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш чораларини кўриш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар томонидан илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- юртимиз ижтимоий ҳаётида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан мурасазис муносабатни кучайтириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар томонидан фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда кенг қўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини кенг миқёсда ташкил этиш.

Сабаби, мамлакат келажагининг таназзули бўлмиш коррупция иллатининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати ҳар томонлама тўлиқ, изчил ва самарали амалга оширилиши давлат органларига фуқароларнинг ва шахсларнинг ишончи ортишига, давлат органлари ваколатига кирувчи масалаларни аниқ, ўз вақтида ва холис ҳал қилинишига ва пировардида юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг бахту-иқболи ва фаровонлиги ҳамда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, халқаро обрў-эътибори ва нуфузи ошишига ҳамда таъминланишига хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, коррупция иллатини, яъни, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш мамлакат келажагининг гаровидир.